

**КРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ МИКРОКРЕДИТЛАШ
ЖАРАЁНИНИ ТАҲЛИЛИ ВА РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

Дўсбоев Ўткир Хидирович
ТДИУ катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада кредитлаш ташкилотларининг микрокредитлаш жараёнлари, уларнинг жорий ва истиқболдаги ривожланишининг тенденциялари, таҳлилий хулосалари, амалий ечимлари такомиллаштиришнинг муҳим таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: кредит, микрокредит, микроқарз, ипотека, тижорат банклари, микрокредит ташкилотлари, бадал, кредит фоизи.

Бугунги кунда жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлари ва тадбиркорларга микромолиявий хизматларни тақдим этишда микрокредит ташкилотлари сингари кредит ташкилотлари, асосан тижорат банклари муҳим молиявий ташкилотлар ҳисобланади.

Ўтказилган ўрганишлар ва таҳлиллар натижаси шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлар ва тадбиркорларга берилаётган микрокредитларнинг асосий улуши тижорат банклари ҳиссасига тўғри келади. Қуйидаги жадвалда жисмоний шахслар, кичик бизнес субъектлар ва тадбиркорларга тижорат банклари ва микрокредит ташкилотлари томонидан берилган кредитлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

1-жадвал

**Тижорат банклари ва микрокредит ташкилотларининг
жисмоний шахсларга ажратган кредитлар
қолдиғи ҳақида маълумот¹**

(2024 йил 1- январь ҳолатига, млрд сўм ва фоиз ҳисобида)

Кўрсаткич номи	Йиллар					
	2018	2019	2020	2021	2022	2023
<i>Жами кредит қолдиғи</i>	110 572	167 391	211 581	276 975	326 386	400152
Тижорат банклари	13 600	24 427	39 934	54 888	69 496	102421
Микрокредит ташкилотлари	0,19	0,41	0,75	1,24	2,48	3,92
<i>Микрокредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларнинг жамига нисбати, фоизда</i>	0,0002	0,0002	0,0002	0,0003	0,0002	0,0010
<i>Микрокредит ташкилотлари томонидан берилган кредитларнинг тижорат банклариникига нисбати, фоизда</i>	0,0014	0,0017	0,0019	0,0015	0,0017	0,0038

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, мамлакатимизда берилаётган микрокредитларнинг деярли 99,9 фоизи асосан тижорат

¹ www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

банклари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, мамлакатимизда микрокредит ташкилотларининг сони, уларнинг ҳудудлар кесимида жойлашиши ва берган кредитларининг ҳажми ҳозирги кундаги талабни қондириш имкониятини бермайди. Шу билан бирга, микрокредит ташкилотларининг кредитлари турлари ва кредитларни аҳоли ёши бўйича берилишига қарайдиган бўлсак бу борада ҳам заифликларни кузатиш мумкин.

Кредит ташкилотлари жисмоний шахсларга бераётган кредитларининг ҳажми ва турлари бўйича ҳам микрокредит ташкилотларидан анчагина илгари эканлигини кўриш мумкин. Қуйидаги жадвалда бу борадаги маълумотлар келтирилган.

2-жадвал

Кредит ташкилотларининг жисмоний шахсларга ажратган кредитлар қолдиғи ҳамда кредитлар турлари бўйича маълумот²

(2024 йил 1- январь ҳолатига, млрд сўм ҳисобида)

Кўрсаткич номи	Йиллар				
	2020	2021	2022	2023	2024
Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи	39 934	54 888	69 496	102 421	153 330
Ипотека кредитлари	20 326	28301	35946	51177	60180
Автокредит	5 492	6181	7474	11895	5199
Микроқарз	3 177	5737	7429	9759	26753
Истеъмол кредитлари	4 471	6056	7321	11523	45222
Тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратилган кредитлар	6 467	8613	11326	18067	15976

Жадвал маълумотларидан кузатиш мумкинки, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилаётган кредитлар суммаси йилдан-йилга ортиб бормоқда. Хусусан, 2020-2024 йилларнинг 1 январь ҳолатига жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар миқдори 39 934 млрд.сўмдан 153 330 млрд.сўмгача ошган. Бу сўнгги беш йилда тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларнинг 4,0 баробарга ошганлигини кўрсатади. Жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар таркибида ипотека кредитлари сезиларли даражада ўсганлигини кўришимиз мумкин. 2020-2024 йилларнинг 1 январь оралиғида ушбу кредитларнинг миқдори қарийб 3,0 баробарга ошган. Бундай ўсишга туртки бўлган асосий омиллардан бири сифатида ҳукуватимиз томонидан аҳолини уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришнинг янги механизмлари жорий қилинаётганлиги, унинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллашиб бораётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 декабрдаги ПФ-33-сон “Бозор тамойилларига асосланган ипотека

² www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари

кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлашга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида” Фармонига асосан 2021 йил 10 декабрдан бошлаб бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш тартиби доирасида:

даромади юқори бўлмаган ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож фуқароларга Давлат бюджетидан субсидиялар тўлашда квартира майдонининг энг кўп меъёрини белгилаш амалиёти бекор қилинади;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги томонидан ҳар йили бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори ва дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидия миқдори тасдиқланади;

субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномани олган шахслар ипотека кредити бўйича бошланғич бадалнинг уй-жой қийматининг камида 5 фоизига тенг бўлган қисмини ўз маблағлари ҳисобидан шакллантиради;

сотиб олинадиган квартира жойлашуви, қиймати ва майдонидан қатъи назар, дастлабки бадалнинг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар — қатъий белгиланган 32 миллион сўм миқдорида, фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар-биринчи беш йил давомида 10 фоизлик пунктдан ошган қисмига тўланади;

дастлабки бадал ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун субсидиялар сотиб олинаётган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда ҳам тўланади. Бунда, сотиб олинадиган квартиранинг нархи ипотека кредитининг энг кўп миқдоридан ошган тақдирда, қийматнинг қолган қисми қарз олувчи томонидан ўз маблағлари ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобидан дастлабки бадал суммасини ошириш орқали тўланади;

фуқароларга ипотека кредитини олишда, биргаликда қарз олувчи сифатида улар билан бирга яшамаётган ва яқин қариндоши бўлмаган бошқа шахсларни ҳам жалб қилиш ҳуқуқи берилади;

Молия вазирлигининг ресурслари тижорат банкларига тўғридан-тўғри ёки «Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси» АЖ орқали жойлаштирилади;

тижорат банкларига қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, унинг қарз юки кўрсаткичи, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратилган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатиш ҳуқуқи берилади.

Микрокредитларнинг асосий қисми банклардан берилаётгани улар ичида АТ Халқ банкнинг ўрни алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлашимиз жоиз. Қуйидаги жадвалда АТ Халқ банки томонидан жисмоний шахсларга берган кредитлари ҳақида умумий маълумотлар келтирилган.

3-жадвал

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

АТ Халқ банкининг жисмоний шахсларга ажратилган кредитлар қолдиғи ҳамда кредитлар турлари бўйича маълумот³

млрд сўм ҳисобида

Кўрсаткич номи	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
Жами кредит қолдиғи	4 691,16	12 407,26	18 792,14	19 595,96	23 564,23
Жисмоний шахсларга ажратилган кредит қолдиғи	1 642,32	4 562,20	6 581,18	7 413,30	9 256,20
жумладан:					
Ипотека кредитлари	808,70	1 074,50	1 402,39	1 633,51	2 452,25
Автокредит	м/й	322,45	400,77	190,08	225,20
Микроқарз	17,50	407,16	802,99	432,48	535,24
Истеъмол кредитлари	261,33	1 069,48	1 242,90	729,38	829,01

Жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, АТ Халқ банки томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитлар ҳажми таҳлил этилаётган даврда ортиб бориш тенденциясига эга бўлсада, унинг ҳажми банкининг жами кредитлари таркибида нисбатан паст даражада қолмоқда. Хусусан, банк томонидан жисмоний шахсларга бераётган кредитларнинг турлари кесимида кўрадиган бўлсак, банк томонидан жисмоний шахсларга берилаётган кредитларнинг асосий улушини ипотека кредитлари ҳиссасига тўғри келган.

Таҳлиллар ва ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, кредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга берилган кредитларнинг ҳудудий жойлашиши бўйича айрим муаммолар мавжуд бўлиб, бу жараён ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланишига салбий таъсир кўрсатади. Қуйидаги жадвалда АТ Халқ банкининг ҳудудлар кесимида берган кредитлари ҳақида маълумотлар келтирилган.

4-жадвал

АТ Халқ банкининг ҳудудлар кесимида жисмоний шахсларга ажратган кредитлар улуши⁴

Ҳудудлар	Йиллар				
	2019	2020	2021	2022	2023
ҚҚР	11,4	10,3	8,4	8,7	8,6
Андижон	8,1	7,8	8,6	6,4	7,6
Бухоро	3,5	3,5	4,1	4,6	5,4
Жиззах	7,0	6,6	6,4	5,6	5,7
Қашқадарё	10,1	9,5	9,4	7,3	7,1
Навоий	5,0	5,2	5,2	4,4	5,1
Наманган	6,9	6,9	12,8	14,3	10,8
Самарқанд	9,3	10,7	8,7	10,3	10,3
Сурхондарё	7,2	7,8	7,6	8,3	8,5
Сирдарё	5,9	6,0	5,8	4,7	5,3
Тошкент	6,7	6,7	7,8	9,0	8,4

³ АТ Халқбанкнинг статистик маълумотлари ва ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁴ АТ Халқбанкнинг статистик маълумотлари ва ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

Фаргона	7,4	7,4	8,2	8,0	8,0
Хоразм	6,3	6,4	4,4	4,1	4,9
Тошкент ш.	5,2	5,2	2,6	4,4	4,4
Жами	100	100	100	100	100

2019-2023 йиллар 1 январь ҳолатига ҳудудлар кесимида жисмоний шахсларга берилган кредитлар суммаси ва унинг улуши тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ажратилган кредитларнинг юқори улуши Наманган ва Самарқанд вилоятлари ҳиссасига тўғри келган, энг кам улуш эса Тошкент шаҳри ва Хоразм вилояти ҳиссаларига тўғри келган.

Умуман олганда, мамлакатимизда жисмоний шахсларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга қаратилган ислохотларнинг ижобий самараси натижасида аҳолига ажратилаётган кредитларнинг сўнгги йилларда ўсиш суръатларини намоён қилаётганлиги, аҳолининг реал даромадлари ошишига, мамлакатда истеъмол товарлари сифати ва рақобатбардошлигини янада яхшиланишига, шунингдек, мамлакатимизда иқтисодий барқарорликни таъминланишига ижобий ҳиссасини қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг статистик бюллетень. Тошкент 2024 й.
2. Карабаев Н.А. Тижорат банклари фаолиятини camels рейтинг тизими асосида баҳолаш амалиёти ва уни такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил. www.interfinance.uz
3. Эргаш Рустамович Қурбонов Тижорат банклари фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва банклараро рақобат шароитида уни такомиллаштириш масалалари тадқиқига янгича ёндошув хусусида // Science and Education. 2021. №8. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/tizhorat-banklari-faoliyati-samaradorligini-ba-olash-va-banklararo-ra-obatsharoitida-uni-takomillashtirish-masalalari-tad-i-iga> (дата обращения: 04.01.2022).
4. Dinesh, D. Management by objectives and the Balanced Scorecard: will Rome fall again? / D. Dinesh, E. Palmer // Management Decision. – 1998. – 6 (36). – P. 363-369.
5. Ветрова Т. Н. Критерии оценки и направления повышения эффективности банковской деятельности. 08.00.10 – Финансы, денежное обращение и кредит. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2019.
6. Корчагина, Е.В. Сбалансированная система показателей как инструмент управления развитием компании: сравнение российского и зарубежного опыта / Е.В. Корчагина // Проблемы современной экономики. – 2009. – N 4. – С. 13-18.
7. Кащеев, Р. Balanced Scorecard: новое заклинание или стратегия управления? / Р. Кащеев // Управление компанией. – 2002. – N 9. – С. 21-26.
8. Тошпўлатов Д.А. Банк активларидан самарали фойдаланиш даражаси ва унинг аудити. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2017 йил
9. Бозоров Р. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашни такомиллаштириш. 08.00.07 – Молия, пул муомаласи ва кредит. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2020. 9-бет.

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

1. Самадова Н.Р. Хўжалик юритувчи субъектлар иқтисодий салоҳияти тушунчаси ва унинг назарий асослари. // Бизнес эксперт (илмий-амалий журнал). – Тошкент, - №4. 2021. – 87-91 б. (08.00.00; №4)
2. Самадова Н.Р. Хўжалик юритувчи субъектларда иқтисодий салоҳиятни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилининг амалий жиҳатлари // Scientific Journal of “International Finance & Accounting” 3/2023.
3. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITAL ECONOMY AND CHANGES IN BUSINESS ANALYSIS. International Journal of Research in Finance and Marketing (IJRFM), 13(12), 47-52. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRFM4Dec2023-Uzb.pdf>
4. Ibragimov Gayratjon Artikovich, Kurbanbaev Jurabek Eruvbayevich, Mukhiddinova Barno Gafurjanovna. (2019). The main differences between IFRS and NSA. International Finance and Accounting, 3(13), 1-12. Retrieved from <https://core.ac.uk/download/pdf/285998049.pdf>
5. Klichev Bakhtiyor Pardayevich. (2022). ISSUES OF PRODUCT PRICING IN THE ANALYSIS OF OPERATIONAL. Пандемия шароитида иқтисодиёт, молия ва бошқарувда рақамли трансформация жараёнлари (IV ФОРУМ «ЭКОНОМИКА В МЕНЯЮЩЕМСЯ МИРЕ» 2022 май КАЗАНЬ-ТАШКЕНТ), Казань-Ташкент. <https://doi.org/10.5281/zenodo.6641015>
6. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2023). DIGITALIZATION OF THE ECONOMY AND OPERATIONAL SAFETY. International Journal of Research in Economics and Social Sciences(IJRESS), 13 (11), 95-101. Retrieved from <https://euroasiapub.org/wp-content/uploads/IJRESS10-Nov2023-Uzb.pdf>
7. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА ОПЕРАЦИОН ЦИКЛ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 16(1), 196–203. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2718>
8. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). EKSPORT-IMPORT OPERATSIYALAR HISOBİ NAZORATINI TAKOMILLASHTIRISH YO‘NALISHLARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 215–222. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3034>
9. Gayratjon Ibragimov. (2024). TIJORAT BANKLARIDA MBMB TIZIMINI JORIY ETISH MASALALARI . World Scientific Research Journal, 23(2), 223–230. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3035>
10. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ . World Scientific Research Journal, 12(2), 263–271. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2557>
11. Пардаевич, Қ. Б. (2023). Хўжалик юритувчи субъектларда операцион фаолиятида ишлаб чиқариш ҳажмини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. *Scientific Journal of “International Finance & Accounting*, (2), 2181-1016.
12. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). MUQOBIL IQTISODIYOTNI SHAKLLANTIRISH: MUAMMOLAR VA YECHIMLAR . World Scientific Research Journal, 23(2), 231–238. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3036>
13. Тулаев, М. С., & Кличев, Б. П. (2022). ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ УЧЕТА КОРПОРАТИВНЫХ ОБЛИГАЦИИ: ОБЯЗАТЕЛЬСТВО ИЛИ КАПИТАЛ. In *Учет, анализ и аудит: их возможности и направления эволюции* (pp. 146-154).

BARQAROR IQTISODIY O‘SISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI OSHIRISH MASALALARI

14. Ibragimov Gayratjon Artikovich. (2024). BIZNES JARAYONLARNI OPTIMALLASHTIRISH YO‘NALISHLARI . *World Scientific Research Journal*, 23(2), 239–246. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3037>
15. Қличев Бахтиёр Пардаевич. (2023). ОПЕРАЦИОН ФАОЛИЯТ НАТИЖАЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ КЎРСАТКИЧЛАР ТАҲЛИЛИ. *World Scientific Research Journal*, 21(1), 182–188. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2876>
16. У.А. Нурманов. (2024). ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЖАРАЁНИДА БОШҚАРИШ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 140–147. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3257>
17. Yuldashevna, R. U. (2022). Monitoring of Credit Risks as Financial Resources In Commercial Banks. *International journal of trends in business administration*, 12(1).
18. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2024). NOMODDIY AKTIVLAR AUDITINI TAKOMILLASHTIRISH. *World Scientific Research Journal*, 26(3), 177–184. Retrieved from <http://www.wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/3261>
19. Rozmatova Umida Yuldashevna. (2023). IQTISODIYOTNI RIVOJLANISH ISTIQBOLLARIDA AXBOROT KOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI . *World Scientific Research Journal*, 16(1), 20–22. Retrieved from <http://wsrjournal.com/index.php/wsrj/article/view/2693>